

ЛИНГВОМАДАНИЙ КОМПЕТЕНЦИЯ МАДАНИЯТ ОБРАЗЛАРИНИНГ ИДЕНТИФИКАЦИЯ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

Фарход Усмонов

ф.ф.ф.д. (PhD), Андижон давлат университети

Аннотация. Мақолада ўзбек тилидаги миллий-маданий маркерланган турғун ўхшатишлар таҳлил этилган. Ўзбек миллатига хос оламнинг лисоний манзарасида мифологик образларнинг ўрнига баҳо берилган.

Annotation. The article analyzes culturally marked stable comparisons in the Uzbek language. An assessment is given of mythological images in the linguistic picture of the world characteristic of the Uzbek linguistic culture.

Калит сўзлар: антропоцентризм, ўхшатиш, мифология, диний-мифологик тасаввурлар, олам манзараси, фольклор персонажлари, мифологик персонажлар.

Key words: anthropocentrism, similarities, mythology, religious-mythology imagination, worldview, folklore characters, mythological characters.

Оламнинг лисоний манзараси хусусида сўз юритилганда, унинг лингвомаданиятшуносликда марказий тушунчалардан эканлиги, борлиқни идрок этишнинг тилда акс этган, миллатнинг кўп асрлик тажрибалари орқали шаклланган, инсоннинг воқеликка муносабат тарзини белгиловчи, замонда ўзгарувчан, оламнинг илмий манзарасига нисбатан содда миллий ўзига хос шакли¹ эканлиги таъкидланади.

Лингвомаданиятшуносликда маданиятга биринчи навбатда қадриятлар тизими сифатида қаралиб, унинг ўзига хос ифодаловчилари, белгилар системаси орқали гавдаланиши таъкидланади. Дарҳақиқат, маданият нафақат миллий кийим, чиройли одоб-аҳлоқ, балки шу маданият вакилларининг мулоқот, юриштуриш, умуман, ҳаёт кечириш одатлари, қадриятлари, қўйингки, қадам ташлаш тарзи ҳамdir. Шу боис Э.Сепир “маданият” тушунчаси одатда санъат, фан ва дин тушунчалари билан чегараланиши, бу эса мақсадга мувофиқ эмаслигини баён қиласи. Зоро, маданият тушунчаси остида муайян миллатнинг эътиқоди ёки ўз фаолиятининг маҳсулидан ҳам кўра унинг шу маҳсулотга муносабати, шу эътиқоднинг ва маҳсулотнинг миллат ҳаётида тутган ўрни назарда тутилмоғи лозим². Демак, миллий маданият ўзининг белгилар тизими – семиосферасига эга. Семиосфера бирликлари – культуремалар тилда ифодасига эга бўлиб, бошқа белгилар системасига ўтади. Яъни, ўз мазмун мундарижасида маданий ахборотни ташувчи тил белгилари лингвокультуре мани ташкил этади.

¹ Сабитова З.К. Лингвокультурология. Москва. 2013. –С.53.

² Сепир Э. Избранные труды по языкоznанию и культурологии. -М., 1993. С.469.

Лингвокультурема атамасини биринчи бўлиб қўллаган В.Воробьев шундай ёзади: сўз референт (денотат) билан боғланади, унга олиб боради, лингвокультурема унинг мазмун мундарижасини тушунтиради. Биринчиси – реалема билан чегараланади, иккинчиси – реалия(ушбу маданиятга алоқаси бўлган барча нарса – Ф.У.)ларнинг ўзига хослиги ва предметлар синфидаги ўрнини ифодалайди³. Унга кўра, лингвокультурема маъносини тўлақонли тушуниш “маъно – культурологик мазмун” тарзидаги доимий алоқа қўринишига эга бўлади⁴. Масалан, сув бўйи халқлари учун “денгиз” сўзи лингвокультурема мақомига эга бўлиши табиий. Тарихи, кундалик турмуш шароити уни доим дengiz билан боғлиб туриши, у билан боғлиқ афсона, одатлар, умуман, асрлар давомида тўпланган билимларнинг жами унинг маданиятига, демакки, миллатнинг онгидаги концептуал манзарага таъсир этади, унинг фольклори, мифологияси, дунёқарашида ўз изини қолдиради.

Миллий-маданий коннотацияни аниқлаш ва уларни тўғри талқин этиш инсоннинг лингвомаданий билимлар заҳираси билан боғлиқ. Бундай билимлар маданий ахборотни талқин этиш учун зарур интерпретация базаси вазифасини ўтайди. Тил эгасининг ёки тадқиқотчининг лингвомаданий компетенцияси учун шу миллат мифологияси, фольклори, диний ва бадиий матнларини ўзлаштириш пойдевор вазифасини ўтайди.

Турғун ўхшатишлар миллатнинг тафаккуридаги оламнинг лисоний манзарасини яққол намоён этади. Айнан ўхшатиш ушбу халқ миллий аксиологик нигоҳини акс эттиради. Миллат лисоний манзарасидан муқим ўрин олган турғун ўхшатишлардаги эталонлар шу миллат вакиллари учун алоҳида аҳамиятлидир. Куйида ўзбек тилидаги ўхшатишлар учун образ вазифасини ўтовчи мифологик ва фольклор персонажлари хусусида сўз юритмоқчимиз.

Ўзбек тилида хунук, беўхшов инсонни ифодалаш учун қўлланиладиган алвасти лексемаси “шарқ мифологияси ва хурофий тасаввурларда гўё ҳар хил қиёфада қўринадиган афсонавий маҳлук” (Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I. 68. Кейинги ўринларда “ЎТИЛ” тарзида берилади) сифатида таърифланади. “Алвасти одатда оч рангли узун соchlарини ёйиб олган бадбашара аёл қўринишида тасаввур қилинган. ...Туркий халқларга мансуб ўзга мифларда алвастининг пешонасида битта кўз бўлганлиги, у ҳам бўлса, тош кўз қизил мисдан эканлиги, шунингдек, қўлларида ўткир тирноқлар бўлганлиги айтилади.”⁵ Алвасти ҳақидаги тасаввурлар тил соҳибларида хунуклик, ёқимсизлик билан боғлиқ ассоциацияларни юзага келтирган. Масалан: У худди, алвастидек хунук бир одамни кўриб қолгандек, бошини бир томонга эгтанича,

³ Воробьев В. В. Лингвокультурология. – Москва. 2006. – С.45

⁴ Воробьев В. В. Кўрсатилган манба. – С.45

⁵ Махмараимова Ш. Ўзбек тили теоморфик метафораларининг қисқача концептуал луғати. – Тошкент: Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – Б.32.

тез юриб, меҳмонхонадан чиқди (О.Ёқубов). Биз айнан шу эталон диний тасаввурлар боғлиқлигини таъкидламоқчи эмасмиз. Аммо унинг мифологик тасаввурлар билан боғлиқлиги ҳақида қатъий фикр юритиш мумкин. Шу ўринда халқнинг мифологик, диний тасаввурлари ҳамда фольклори ўртасида чегара қўйиб бўлмаслигини таъкидлаш жоиз.

Ўзбек тилида бақувватлик, забардастлик образлари сифатида дев, алп Рустам, Алпомиш, Фарҳод каби мифологик ва бадиий персонажлар қўлланилади: Дев – зардуштийликда ёвузликнинг асосий тимсоли; туркий ва форс-тоҷик халқлари мифологиясида ёвузлик тимсоли. У даҳшатли, зулм ва зўрлик, қонхўрлик ёки ёвуз кучларнинг иродасига бўйсунувчи баҳайбат махлуқ сифатида намоён бўлади, «Гулнор пари», «Юнус пари», «Мисқол пари» каби достонларда қаср, боғ ва ҳ.к. соҳибининг амрига итоат этиб, париларни қўриқлайди (Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Кейинги ўриларда “ЎзМЭ” тарзида берилади). Алп – ўзбек халқ достонларида ғайритабиий куч-кудрати, мардлиги, жасорати ва ақл-фаросати билан ажралиб турадиган қаҳрамон сифати (ЎзМЭ). Алпомиш – шу номдаги ўзбек халқ қаҳрамонлик достонининг ўз ёри учун, ўз юрти учун курашган забардаст, бақувват “Юсуф талъатли, Рустам келбатли” қаҳрамони. Рустам – Ўрта Шарқ халқлари оғзаки ва ёзма адабиётидаги анъанавий образ; мардлик, паҳлавонлик ҳақидаги мифологик тушунча ва эпик идеалнинг рамзий ифодаси (ЎзМЭ). Фарҳод – қадимги мифология ва фольклорда тоғ қаҳрамони сифатида тасвиrlenган; ривоятларда афсонавий кучлардан ҳам юқори қўйилган образ. Фарҳоднинг мукаммал эпик образини Навоий яратган (ЎзМЭ).

Мисолларга эътибор беринг: Кўз ўнгига кўк оти келди. У **девдай** бақувват эди (Э.Аъзам); - Амирзодамизга кўз тегмасин, **алплардай** зўр қомати бор- -деб қўйишишарди (П.Қодиров); **Алпомишдай** келбатидан гапирмай, Ўн саккиз ёшга ҳам кириб ё кирмай...(М.Юсуф); Таъбир жоиз бўлса, бу ерда **Фарҳоддек** жасур, келбатли, тоғни талқон қиласиган йигитлар ишлайди (“Учқудук” газетаси).

Хунук қиёфа ялмоғиз, ажина, азроил каби мифологик образлар воситасида ифодалаб, кучли салбий муносабатни кўрсатади:

Бад ниятни минг бадиият билан ифодаласанг ҳам, худди гўзал либос кийган **ялмоғиз кампирдай** хунуклигича қолади (Д.Ражаб). **Ажинадек** қийшайиб тушган шу бир парча суратни деб беш минг сўмлик китобни нобуд қилди-я (Х.Тўхтабоев). Ўшанда у кўзимга **азроилдек** кўриниб, бўғибгина ўлдиргим келгани рост (Э.Аъзам). Азроил эталони, шунингдек, қийноққа солиш, жонини олишни ифодалаш учун ҳам қўлланади: - Сиз мисоли Азроилсиз, хоним, ҳар чошгоҳда жонимни олгани келасиз (М.М.Дўст).

Қўрқинчли овоз чиқариш ёки ютиб юбориш ҳаракатларининг образли ифодасига айланган аждарҳо, юҳо эталонлари ҳам мифологик илдизларга эга.

Аждар(ҳо) – турли халқлар оғзаки ижодида қанотли, оғзидан ўт пуркайдиган икки ва ундан ортиқ бошли афсонавий илон образи (ЎзМЭ). Юҳо – барча жониворларни аралаш еб, ютиб юборадиган афсонавий маҳлуқ (ЎТИЛ V. 98). Масалан: Қора кечаларнинг қора қўйнида Қора **аждар** каби пишқирган Аму (F.Фулом). Яхшиям, чекланган инсонда имкон, Барча истакка ҳам етавермас қўл. Йўқса, кўзи очлар **юҳодай** ишон, Ямлаб ютар эди дунёни буткул (Ж.Исмоилов).

Малика лексемаси аёл подшоҳ ёки подшоҳ оиласига мансуб аёл маъносини беради. Ўзбек фольклорида қаҳрамони гўзаллик, мардлик, вафодорлик хислатларини ўзида мужассамлаштирган “Маликаи Ҳуснобод” “Маликаи Хубон”, “Маликаи Жаҳон” каби эртаклар бўлиб, уларда, албатта, маликанинг ҳусни ва зукколиги тасвирланади. Қуйидаги мисолда гўзал аёл маликага ўҳшатилади: Дунё ягоаси бўлган **маликадай** қамарсиймо ўзининг монанди йўқ гўзаллиги, нодир ақлу фаросати или тақдир томонидан шундай сийловга муносиб кўрилдими? (М.Али)

Ўзбек лингвомаданиятида ўлмаслик, оловда куймаслик хусусиятларини ифодалаш учун самандардек ўҳшатиши қўлланади. У мифологик персонажлардан ягона ирреал хусусиятни ифодаловчи ирреал эталондир: **Самандардек** қайта туғилдим?! Узун бўйли йиллар оралаб (У.Хамдам); Яхшиям боқийдир дилбар шеърият, **Самандар мисоли** ўлим билмас жон (А.Орипов). Самандар – афсонага кўра, гўё ўт ичидаги туғиладиган ва ўтда яшайдиган маҳлуқ (ЎТИЛ III. 434).

Жуда озғин инсон ёки сассиз ҳаракатни образли ифодалаш учун эса арвоҳдек эталони қўлланади: **Оч арвоҳдай** озғин ва новча бу одам тоғларнинг тошларигача қўриқларди (Н.Норқобилов). Арвоҳ – (арабча “руҳ” сўзининг кўплиги, рухлар) диний тасаввурларга кўра, фақат одам тириклигига, ҳаётида у билан бўладиган, вафотидан кейин танидан чиқиб, абадий мавжуд бўладиган ғайримоддий асос (ЎТИЛ I.94) бўлиб, унинг лугат дефинициясида озғинликка боғлиқ нуқтани топиш мушкул туюлади. Аммо бунда ўҳшатиши когнитив даражада кечиб, номоддийлик, енгиллик, демакки, том маънода кўримсизлик унга озғинлик билан қиёсланиш имкониятини берган. Худди шу хусусиятлар сассиз ҳаракат ифодасига айланиш имконини беради: У изимдан арвоҳдай сассиз-шарпасиз эргашиб келарди (Н.Эшонқул).

Хотам, Хотами той – Ямандаги Той қабиласи бошлиғи, машхур лашкарбоши, шоир. Ўз саҳийлиги билан Арабистон ва Шарқ халқлари орасида шухрат қозонган. Шарқ, жумладан, ўзбек адабиётида саҳийлик образи сифатида Хотамтой антропоними қўлланади⁶: Эй, менинг жонкуяр, мард она халқим, Хотамдек саҳийсан, Хотамдек саҳий! (Н.Орзиқулов)

⁶ Худойберганова Д., Анданиёзова Д. Ўзбек тили поэтонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: “Turon zamin ziyo”. 2016. – Б. 126.

Алоҳида қайд этиш керакки, ўзбек тилидаги ўхшатиш эталонларидағи мифологик персонажлардан антропонимлар фақат ижобий коннотацияларга эга. Буни қадимги даврлардан бери инсонларнинг афсонавий қаҳрамонларни ғайритабиий куч эгаси сифатида тасаввур этишлари, ҳатто уларга сифинишлари (масалан, юонон илоҳлари) ҳам кенг тарқалғанлиги билан изоҳлаш мумкин. Эътиборлиси, эзгуликлар “инсон” (Рустам, Алпомиш, Фарҳод, Хотамтой)нинг; ёмонлик эса кўпроқ “инсон эмас”(жин, аждарҳо, Яъжуж-маъжуж, шайтон, ялмоғиз, алвости, юҳо, азроил ёки ит)нинг машғулоти эканлиги ўзбек миллатининг дунёқарашининг яна бир ўзига хос хусусияти сифатида қўзга ташланади.

Ўзбек тилида сира топилмайдиган, ёки ғоят кам учрайдиган нарсанинг образли ифодаси бўлган анқонинг уруғи ўхшатиш эталонини мифологик персонажлар сирасига киритиш мумкин. Зоро, анқо – оти бор, ўзи йўқ афсонавий қуш. Гўё Қоф тоғида қушларнинг подшоҳи бўлиб яшар эмиш (ЎТИЛ I. 89). У инсонлар кўзига қўринмайди, қаноти, пати олтин, кумуш ва б.дан деб таърифланади. Халқимиз орасида а. баҳт, толе, давлат қуши, кимга сояси тушса, ўша баҳтли бўлади деган фикр мавжуд. Тақчил, камёб нарсалар ҳақидаги "анқонинг уруғи" деган ибора шундан олинган⁷. Масалан: Бироқ онаси на ул-бул еб олгани, на оёгининг увишигини ёзгани чиқарди. Худди сал чалғиса, ўша анқонинг уруғидек одам келадиую кетиб қоладигандек хавотирланарди (Н.Жўраев).

Ўзбек лингвомаданиятида бирорнинг ортидан эргашишни, изғиши ифодаловчи образ сифатида Алаканинг итидек ўхшатиши турғунлашган. Масалан: Ҳаётингиз ҳам чиройли кўриниш олиб бошлайди. Олдинги чиройлисига **алаканинг итидек** чопган пайтингиздагидан яхши бўлади (Б.Аҳмедов). Ушбу ўхшатишнинг моҳиятини англаб этиш учун ўзбек адабиёти ёрдам беради. Алаканинг ити, аслида, “Хулагунинг ити” бўлиб, бу ҳакида Мирмуҳсин ўзининг “Мамлуклар” ҳикоясида шундай дейди: “Хулагунинг итидек” деган мақол ўзбеклар ичida тарқалган, бунга сабаб Чингизнинг саркардаси Ҳулагу нўён аслида сакбон бўлгани, ўз итига ҳар куни бир қўй сўйиб, едиришини одамлар биларди...”

Кўринадики, ўхшатишларда қўлланган образларни идентификация қилиш ва уларни адекват интерпретация қилиш учун лингвомаданий компетенция эгаси бўлмоқ лозим. Юқорида таҳлил этилган ўхшатишларда қўлланган образлар таҳлили эса ушбу компетенция шаклланиши учун мифологик, диний ва фольклор материаллари билан танишлик тақозо этилишини исботлайди.

⁷ <https://hadis.uz/term/37>

Адабиётлар:

1. Сабитова З.К. Лингвокультурология. – Москва. 2013. – 528 с.
2. Сепир Э. Избранные труды по языкоизнанию и культурологии. – М., 1993. – 656 с.
3. Воробьев В. В. Лингвокультурология. – Москва. 2006. – С.45
4. Махмараимова Ш. Ўзбек тили теоморфик метафораларининг қисқача концептуал лугати. – Тошкент: Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – Б.32.
5. Худойберганова Д., Анданиёзова Д. Ўзбек тили поэтонимларининг изоҳли лугати. – Тошкент: “Turon zamin ziyo”. 2016. – Б. 126.
6. <https://hadis.uz/term/37>